

МАМЛАКАТИМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ҲАР БИР ЯНГИ ТАШАББУС ҲАМИША ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 10 июль куни Тошкент шаҳридаги бунёдкорлик ишлари, аҳолининг турмуш шароити, саноат корхоналари фаолияти билан танишди.



Бу сафарги йўналиш Шайхонтоҳур ва Чилонзор туманларини қамраб олди. Уларни Бунёдкор кўчаси боғлаб туради. Ушбу марказий кўчада санъат ва маданият масканлари, турли идоралар, кўп қаватли уйлар, супермаркет ва ресторанлар жойлашган. Бу салоҳиятдан фойдаланиб, унинг 1,5 километр қисми хизмат кўрсатиш ва гастротуризм кўчасига айлантирилди.

Давлатимиз раҳбари жамоатчилик вакиллари билан бирга бу ердаги шароитларни кўздан кечирди. Йўл бўйи обод қилинган. Ажойиб ландшафт дизайни, фавворалар, турфа чиқоқлар ҳудудга янада кўрк бағишлаган. Одамлар сайр қилиши, овқатланиши, мазмунли дам олиши учун барча қўлайликлар яратилган.

Шу мақсадда бу ердаги 90 та тадбиркорлик субъекти туну кун ишлаш тартибига ўтказилди. Шундан 45 та корхона янги ташкил этилди. 500 киши иш билан таъминланди.

Кўчага ёндош ҳудуддаги Камолон, Янги Камолон ва Камолон дарвоза маҳаллаларида 18 мингга яқин аҳоли яшайди. Бу ўзгаришлар, аввало, шу инсонлар турмушида сезилади. Қолаверса, ҳозир бу жойга йилга 255 минг меҳмон ташриф буюрмоқда. Энди уларнинг сонини йилга 1 миллионга етказиш учун шароит бор.

Сўнгги йилларда юртимизда туризм соҳасида 2 мингдан ортиқ янги тадбиркор иш бошлади. Ўтган йили хорижий сайёҳлар ташрифи илк бор 10 миллиондан ошди. Ҳудудларда саёҳат ва сервис инфратузилмаси яхши ривожланипти. Туризм қишлоқлари, меҳмон уйлари, гастронимик кўчалар қўллаб-қувватланипти.

Пойтахтимизнинг Миробод, Олмазор, Чилонзор, Яккасарой, Янгиҳаёт туманларида шундай гавжум кўчалар ташкил этилган. Бунёдкор кўчаси мазкур туризм ҳалқасининг бир қисми бўлади. Умуман, Тошкент шаҳрида 26 та кўчани туну кун ишлайдиган гавжум кўчага айлантириш, 24 соат ишлайдиган савдо нуқталарини мингтага кўпайтириш режалаштирилган.

Шу ерда замонавий бекатлар ҳамда автотураргоҳлар тақдироти бўлиб ўтди.

Давлатимиз раҳбари Шайхонтоҳур туманидаги Янги Камолон маҳалласида бўлди.

Мамлакатимиздаги ислохотлар “нафаси” ҳар бир ҳудудга кириб борапти. Аҳоли бандлиги ва турмуш маданиятига қаратилаётган эътибор ушбу маҳаллада ҳам намоён. Кўп қаватли уйлар, дўконлар, фуқаролар йиғини биноси замонавий қиёфага эга. Ички йўллар текисланиб, атрофи кўкаламзорлаштирилган. Сўлим сайилгоҳ ва пиёдалар йўлаги, нурунийлар

оромгоҳи, спорт ва болалар майдончалари барпо этилган.

Янги Камолон маҳалласида 4 минг 600 нафардан зиёд аҳоли яшайди. 60 дан ортиқ савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларида маҳалла ёшлари иш билан банд. Бу йил хунарамандлар маскани, дала маҳсулотлари ва қандолатчилик дўконлари, новвойхона ташкил этилди, хусусий тиббиёт пункти очилди. Натижада маҳалла ишсизликдан холи ҳудудга айланди.

Шу ерда Шайхонтоҳур тумани “Ислохотлар штаби” фаолияти тўғрисида ахборот берилди.

— Шайхонтоҳурда хунарамандчилик азалдан мавжуд бўлган. Бугун ҳам туманда одамларни иш билан, даромад билан таъминлашда бу катта манба. Шунинг учун Шайхонтоҳур мисолида хизматлар соҳасини ривожлантириш бўйича янги чора-тадбирлар режасини қабул қиламиз, — деди Шавкат Мирзиёев.

Аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, жиноятларнинг олдини олиш мақсадида маҳалла инспектори хонасида ситуацион марказ ташкил этилган. Унга кўп қаватли уйларнинг йўлакларидаги кузатув камералари ва ички ишлар тизимининг хавфсизлик дастурлари боғланган. Бу йил маҳаллада биронта ҳам жиноят содир бўлмаган.

“Янги Камолон” бошқарув сервис компанияси маҳалладаги 21 та кўп қаватли уйга хизмат кўрсатади. Усталар ва махсус техникалар доим шай ҳолатда. Ҳисоб-китобларда билнинг тизими йўлга қўйилган. Бу йил марказий иссиқлик қувурлари изоляция қилинди, электр тармоқлари ва уйларнинг йўлаклари таъмирланди. Айрим уйларга янги лифтлар ўрнатилди.

Давлатимиз раҳбари келгусида бошқарув сервис компанияси биноларини кўп қаватли қилиб қуриб, ёшлар учун касб-хунар ўқувлари, маиший хизмат шохобчаларини жойлаштириш бўйича кўрсатма берди. Бу ердагидек кичик кутубхоналарни бошқа маҳаллаларда ҳам ташкил этиш муҳимлиги таъкидланди.

Маҳалла айвомида аҳоли билан самимий суҳбат бўлди.

— Сўнгги йилларда кўп корхоналар очилди, иқтисодиёт ўсаяпти. Шу билан бирга, ёшларимиз ҳам етишиб келяпти. Уларнинг таълим-тарбияси, соғлиги, иш ўринларини ҳозирдан ўйлашимиз керак. Шунинг учун бу йил Тошкент шаҳрига 8 миллиард доллар инвестиция олиб келаямиз. Бунинг ҳисобидан Шайхонтоҳурда ҳам янги-янги иш жойлари, таълим масканлари, инфратузилма иншоотлари яратилади, — деди Президент.

Нуруний отахон ва онахонлар юртимиздаги ўзгаришлардан хурсандлигини таъкидлаб, халқимизга тинчлик-фаровонлик талаб дуолар қилди.

Шундан сўнг Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги “Инсон” ижтимоий хизматлар марказига борди.

Мамлакатимизда ижтимоий давлат, ижтимоий адолат тамойиллари устувор. Ушбу қадриятлар асосида барча ҳудудларда “Инсон” марказлари очилиб, меҳр ва кўмак тизими аҳолига яқинлаштирилмоқда.

Марказда 12 тоифадаги муҳтож инсонларга 100 дан ортиқ ижтимоий хизматлар кўрсатилади. Бунинг учун муассасада замонавий шароитлар яратилган. Мурожаатларни қабул қилиш, эҳтиёжни баҳолаш, хизматни белгилаш ва хизмат кўрсатиш жараёنлари инсонларга қулай тарзда йўлга қўйилган.

Энг муҳими, эндиликда вазифа бир марта ёрдам билан тугамайди. Ижтимоий хизматдан фойдаланувчининг кейинги ҳолати, ўзини ўнгитиш ҳам мониторинг қилиб борилади. Мазкур барча жараёнлар рақамлаштирилган ва дахлдор ташкилотлар билан боғланган.

Шайхонтоҳурдаги марказда 25 нафар мутахассис ҳамда маҳаллаларда 51 нафар ижтимоий ходим фаолият кўрсатмоқда. Ногиронлиги бўлган болалар ва шахслар, ёлғиз кексалар билан манзилли тарзда иш юритилмоқда.

▶ Давоми 2-бетда

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Дунёдаги ҳар бир давлатнинг миллий суверенитети ва мустақиллиги шу мамлакатнинг халқро ҳуқуқ субъекти сифатида жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллаши, ўз халқининг тинч ва фаровон ҳаётини, унинг энг муҳим манфаатларини таъминлашга хизмат қиладиган мустаҳкам сиёсий-ижтимоий замин ва куч-қудрат манбаидир.

Ҳеч шубҳасиз, 1991 йил 31 августда мард ва олижаноб халқимизнинг хоҳиши-иродаси ва азму қарори билан қўла киритилган миллий истиқлолимиз Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлидаги барча ислохотларимиз ҳал қилувчи босқичга қираётган бугунги тарихий шароитда ҳар қачонгидан ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Айнан мустақиллик, барча сиёсий-ҳуқуқий қафолатларни ўзида мужассам этган ҳолда, “Ўзбекистон — 2030” стратегиямизни амалга ошириш, жамиятимизда тинчлик, дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳитини кучайтириш, инсон қадри, ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, минтақамизда яхши қўшничилик алоқаларини янада ривожлантириш, дунё мамлакатлари билан фаол ҳамкорлик қилиш, Ватанимизнинг халқро микёсдаги обрў-эътиборини юксалтиришда беқисс таянч бўлиб хизмат қилмоқда.

Мамлакатимиз мустақиллигининг ана шундай улкан аҳамиятини инобатга олиб, миллий истиқлолимизнинг ўттиз тўрт йиллик шонли санасини Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт даражаси, жаҳон майдонидаги обрў-эътиборига ҳар томонлама муносиб тарзда, юксак савияда нишонлаш мақсадида **қарор қиламан:**

1. Маданият вазирлиги, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюшмаси, Ёшлар ишлари агентлиги томонидан ишлаб чиқилган **“Ватан учун, миллат учун, халқ учун!”** деган эғруғояни ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллигига бағишланган байрам тадбирларининг ғоявий-бадий концепцияси (кейинги ўринларда — Концепция) 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссияси (кейинги ўринларда — Республика комиссияси) тузилсин ҳамда унинг таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Республика комиссияси (А.Арипов):

а) Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўттиз тўрт йиллик байрами (кейинги ўринларда — Мустақиллик байрами) Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар марказлари ва Тошкент шаҳрида, шунингдек, барча шаҳар ва туманлар, қишлоқ ва овулларда муносиб нишонланишини таъминлаш учун Концепциянинг асосий маъно-мазмунини ва йўналишларидан келиб чиққан ҳолда тегишли чора-тадбирлар дастурларининг ишлаб чиқирилиши ва бажарилишини таъминласин;

б) жойларда Мустақиллик байрамининг юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлаш борасидаги аҳамиятига бағишланган маънавий-маърифий анжуманлар, очиқ мулоқот ва суҳбатлар, адабий-бадий кечалар, миллий кино кунлари, умумхалқ сайиллари, маданият ва спорт тадбирларини самарали ўтказиш мақсадида таниқли илм-фан намоёндалари, ижодкорлар, маданият ва санъат арбоблари, спортчилар, жамоатчилик вакилларида иборат тарғибот гуруҳларини ташкил этсин ҳамда уларнинг аниқ режа асосида фаолият юритиши учун зарур шарт-шароит яратиб берсин;

в) мазкур йўналишда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши юзасидан ҳар бир ҳудуд, вазирлик ва идора раҳбарларининг ҳисоботларини Республика комиссияси йиғилишларида мунтазам равишда эшитиб борсин.

4. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўтказиладиган асосий байрам тадбирларининг дастурларини тайёрлашга юқори профессионал маҳорат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, ёзувчи ва шoirлар, бастакор ва балетмейстерлар, сахна расомлари, истеъдодли ёш ижрочилар, мақом ва бахшичилик санъати вакилларида иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

5. Мустақиллик байрамига бағишланган чора-тадбирларини амалга оширишда қуйидаги устувор йўналишларга алоҳида эътибор қаратилсин:

а) Янги Ўзбекистонни барпо этиш бўйича саккиз йил олдин бошлаган кенг кўламли ислохотларимиз туфайли жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий манзараси бутунлай ўзгариб бораётгани;

▶ Давоми 2-бетда

Долзарб мавзу

МАҲАЛЛАДА ОСОЙИШТАЛИК БЎЛСА, БУТУН ЖАМИЯТДА ХАВФСИЗ ҲАЁТ ҲУҚМ СУРАДИ



Инсон қадри учун

90 МИНГДАН ОРТИҚ КЕЙС — ҲАР БИРИ БИР ТАҚДИР

ИЖТимоий ҲИМОЯНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ САМАРА БЕРМОҚДА?

Ижтимоий ҳимоя жамиятда барқарорлик ва адолатни таъминлашнинг муҳим асоси. Шу боис, бу борадаги ишлар давлатимизнинг стратегик вазифаларидан бирига айланди. Янги таҳрирдаги Конституциямизда ижтимоий давлат тамойили мустаҳкамланиб, давлатнинг ижтимоий мажбуриятлари 3 баробар кўпайтирилди.

Ушбу принциплар асосида ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизими яратилди. Соҳа тубдан ислоҳ қилинди, ижтимоий ёрдамнинг аниқ мақсадли ва манзиллилигини таъминлашга қаратилган янгича ёндашув ва механизмлар жорий қилинди. Бу соҳада кенг кўламли ислохотлар бошланган даврдан бери қамбағаллик даражаси деярли 3 баробар қисқарди.

Юртимизда бу ислохотлар динамикасига мос равишда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, самарали ижтимоий ҳимоя сиёсати юритишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сўнгги йилларда аҳоли учун ажратилган

ижтимоий ёрдам ҳажми 5 баробар оширилиб, 2 миллиондан ортиқ оила ижтимоий ҳимоя дастурлари билан қамраб олинди. Аҳолига ижтимоий хизматлар кўрсатиш сифатини тубдан ошириш ҳамда мазкур соҳага илғор халқро стандартларга асосланган мутлақо янги бошқарув тизимини жорий этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ташкил этилди. 208 та туман (шаҳар)да “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

▶ Давоми 3-бетда





МАМЛАКАТИМИЗДА БУНЁДКОРЛИК ВА АҲОЛИ БАНДЛИГИГА ҚАРАТИЛГАН ҲАР БИР ЯНГИ ТАШАББУС ҲАМИША ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНАДИ

Бошланиши 1-бетда

— Бу ер ҳар бир инсоннинг дарди билан яшайдиган, уларни рози қиладиган даргоҳ. Бу тизим орқали жамиятимизда ижтимоий адолат, инсон қадри қарор топади, — деди Президентимиз.

Шу ерда давлат-хусусий шериклик асосида “Имкониятлар олами” муассасаси ташкил этилган. Давлатимиз раҳбари ундаги шароитларни ҳам кўздан кечирди.

Муассасада 3 ёшгача гўдаклар учун эрта аралашув, ногиронлиги бўлган болалар учун ижтимоий мослашув ва реабилитация, шунингдек, кундузги парвариш ва қараб туриш хизматлари ташкил этилган. Ҳозирда бу 80 га яқин инсоннинг огирини енгил қилмоқда. Уларга 12 нафар малакали ходим меҳр-этибор кўрсатмоқда.

Сўнг Президент Шавкат Мирзиёев Чилонзор туманидаги саннат ҳудудида амалга оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Мақкур ҳудуд Бешқўрғон ва Тирсақобод маҳаллалари ҳудудида жойлашган бўлиб, 320 гектар майдонни эгаллаган. Кичик саннат зонаси мақомидagi ушбу мажмуа Президентнинг 2023 йил 3 июлдаги қарори асосида ташкил этилган. Унга мувофиқ, транспорт, муҳандислик-коммуникация ва йўл инфратузилмасининг яшиллангани саннат ва тадбиркорлик ривожига замин яратди.

Бу ерда халқаро стандартларга мувофиқ энергетика, экологик хавфсиз ишлаб чиқариш қувватлари барпо этилди. Ҳозирги кунда бундай корхоналар сони 531 тага етди. Уларда яратилган иш ўринлари сони эса 20 мингтага яқинлашди. Йиллик ишлаб чиқариш салоҳияти ҳам кам эмас — 6 триллион 800 миллион сўм. Жорий йилда ҳудуддаги 50 та корхонада 180 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинади. Илгари Чилонзорда ҳеч қачон бундай кўрсаткичлар бўлмаган.

Давлатимиз раҳбари ушбу ҳудуддаги “Tateplast” корхонасида бўлиб, ишлаб чиқариш жараёнини кўздан кечирди.

Ушбу лойиҳанинг умумий қиймати 25 миллион доллар. Корхонага Европанинг етакчи компанияларидан 12 турдаги замонавий ускуналар келтириб ўрнатилган. Натижада бу ерда йилга 90 минг тонна темир қувур ва пўлат профиллар ишлаб чиқариш имкони яратилди. Бу маҳсулотларни пулга чаққанда 900 миллиард сўм дегани. Корхонада 120 га яқин киши доимий иш билан таъминланди.

Аҳамиятлиси, юқори босимга ва ташқи таъсирларга чидамли қувурлар тури,

ҳажми ва нархи бўйича рақобатбардosh. Бунинг тасдиғини ўтган йили 4 миллион долларлик маҳсулот Россия, Қозоғистон, Тожикистон ва Қирғизистон каби мамлакатларга экспорт қилинганида ҳам кўриш мумкин. Энди сотув географиясини янада кенгайтириш мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари мақкур индустриал ҳудудда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар кўرғазмасини кўздан кечирди. Яқин истиқболдаги саннат лойиҳалари тақдирот қилинди.

Жумладан, кўп қаватли ишлаб чиқариш биноси ва мономарказ ташкил этилиши кўзда тутилган. Бунинг натижасида ҳудудда яна 100 та янги лойиҳа амалга оширилади, қўшимча 3 мингта иш ўрни яратилади. Лойиҳалар қурилиш, фармацевтика, электротехника, полиграфия, автомобилсозлик, тикув-трикотаж ва қандолатчилик каби йўналишларни қамраб олган.

Президентимиз тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Қўшилган қийматли маҳсулотлар тайёрлаш, иш ўринларини кўпайтириш ҳамда хизматларни ривожлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Президент Шавкат Мирзиёев тумандаги индустриал ҳудудда жойлашган “Eman materials” корхонасида ҳам бўлди.

Бугун дунёдаги иқтисодий тебранишлар шароитида, аввало, ички имкониятлардан фойдаланиш, энг кўп иш ўрни яратадиган соҳаларни ҳимоялаш зарурати туғилмоқда. Мамлакатимизда тўқимачилик, қурилиш материаллари, мебелсозлик ана шундай соҳалар сирасига киради. Уларда бир миллион нафарга яқин аҳоли ишламоқда.

Жумладан, мебелсозликка ихтисослашган 7 минг 500 та корхона фаолият юрймоқда. Ўтган йилнинг ўзида 920 та янги корхона очилган. Соҳада 6 триллион 700 миллиард сўмлик маҳсулот тайёрланиб, 20 миллион долларлик мебел экспорт қилинган.

Хоразм вилоятининг Хонқа тумани тажрибаси асосида бошқа жойларда ҳам мебелчилик марказлари ташкил этилмоқда. Соҳадаги тадбиркорларнинг чет элдан ҳомашё, фурнитур ва аксессуар олиб келиши, экспорт бозорларига чиқиши давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Чилонзор туманидаги индустриал ҳудудда мебелсозликка ихтисослашган ўнга яқин ширкат бор. “Eman materials” корхонаси ташаббускорнинг 10 миллион доллар маблағи эвазига ташкил топган. Бу ерда йилга 10 минг тонна фурнитур ва мебелсозлик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Улар кооперация асосида юртимиздаги

минглаб корхоналарга етказиб берилаяпти. Энди экспортга чиқариш ҳам режалаштирилган.

Корхонада 200 киши иш билан таъминланган. Аҳамиятлиси, шу ернинг ўзида мебелсозлик ўқув маркази ҳам ташкил этилган. Бунинг учун Италия ва Туркия каби давлатлардан мутахассислар жалб қилинган.

Шунингдек, корхона томонидан буюртма асосида мебел ишлаб чиқариш, лойиҳалаштириш, кесиш, ускуналарни таъмирлаш каби қўшимча хизматлар ҳам кўрсатилади.

Мажмуада кўрғазма зали ҳам ташкил этилган бўлиб, бу ерда пойтахтдаги номдор — бренд маҳсулотлар бир жойга жамланган. Бу тизим сотувчи, хизмат кўрсатувчи ва олувчига қулайлик яратмоқда.

Давлатимиз раҳбари корхонадаги иш жараёнини кўздан кечириб, мутахассислар билан суҳбатлашди. Мебелсозлик тармоғида яратилишлантириш ва қўшилган қиймат яратиш бўйича ҳали фойдаланилмаган жуда кўп имконият борлиги кўрсатиб ўтилди.

Шу ерда Чилонзор туманида ташкил этилган “Ислохотлар штаби” фаолияти ҳақида ахборот берилди. Аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағалликни қисқартиришга қаратилган янги тактиklar ва қутилаётган натижалар кўриб чиқилди.

Қайд этилишича, туманда жорий йил бошида камбағаллик даражаси 7 фоиздан юқориқроқ бўлган бўлса, биринчи ярим йиллик якунлари бўйича бу рақам 2,2 фоизга тушган. Манзилли режага кўра, тумани йил якунига қадар камбағаллик ва ишсизликдан холи ҳудудга айлантириш мақсад қилинган. Бунинг учун оилалар имкониятини юзага чиқариш, микролойиҳаларни амалга ошириш, янги тадбиркорлик субъектларини ташкил қилиш, норасмий иш ўринларини қонунийлаштириш чоралари кўрилади.

Президент аҳоли бандлигига қаратилган ташаббусларни ҳамиша қўллаб-қувватлашини билдирди. Инвестицияларни жалб этиб, имкониятларни лойиҳага айлантириш, кичик корхоналар фаолиятини кенгайтириш зарурлигини таъкидлади. Иқтисодиёт ва инвестиция соҳалари масъулига тадбиркорлар билан доимий учрашиб, муаммоларини ҳал этиш, таклифларини юзага чиқариш бўйича топшириқлар берилди.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
Иқром АВВАЛБОВЕВ,
ЎЗА мухбирлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ ЎТТИЗ ТЎРТ ЙИЛЛИК БАЙРАМИГА ТАЙЁРГАРЛИК КЎРИШ ВА УНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

б) қисқа муддатда мамлакатимиз иқтисодиёти шиддат билан ўсиб, ялпи ички маҳсулотимиз ҳажми тарихда биринчи марта 110 миллиард АҚШ долларидан ошгани, “яшил” ва инновацион иқтисодиётга ўтиш, муқобил энергия манбаларини яратиш бўйича улкан дастур ва лойиҳалар амалга оширилаётгани;

в) янгиланган Конституциямизда белгиланганидек, Ўзбекистон тобора инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатлари улуғланганидан ижтимоий давлатга айланиб бораётгани, бандликни таъминлаш, замонавий иш ўринларини кўпайтириш, камбағалликни қисқартириш, ёрдамга муҳтож тоифаларни қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари катта ижобий натижалар бераётгани;

г) таълим соҳасидаги ислохотлар илгари тарихимизда мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келаётгани, мактабгача таълим тизимида қамров 2017 йилдаги 27 фоиздан ҳозирги пайтда 77 фоизга, олий таълимда эса 9 фоиздан 42 фоизга етгани, юртимизда ижод мактаблари, ихтисослашган мактаблар ва Президент мактаблари каби янги моделдаги мактаблар тизими пайдо бўлгани;

д) соғлиқни сақлаш, илм-фан, IT, маданият, адабиёт ва санъат соҳалари ривожига ҳам катта эътибор берилётгани, Париж Олимпиадаси ва Паралимпиадасида спортчиларимиз илк бор кучли ўн бешталикдан жой олгани, футбол бўйича 17 ёшгача ўсмирлар жамоамиз, шунингдек, миллий терма жамоамиз Ўзбекистон тарихида биринчи марта жаҳон чемпионатида йўллангани кўлга киритгани;

е) **“Ёшлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари”** деган шиор остида навқирон авлоднинг замонавий билим ва касб-ҳунарлар, она тили билан бирга хорижий тиллари, IT технологияларини эгаллашлари, тадбиркорлик билан шуғулланишлари, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқаришлари учун ҳар томонлама қулай шарт-шароит яратиб берилаётгани, бунга жавобан ўғил-қизларимиз турли соҳаларда дастлабки қувончли ютуқларга эришаётганлари;

ж) кейинги йилларда шахар ва қишлоқларимиз жадал суръатлар билан обод бўлиб бораётгани, “Янги Ўзбекистон” уй-жой мавзелирини барпо этиш, “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла” дастурлари доирасида улкан ишлар амалга оширилаётгани, смарт ва инновацион шаҳарсозлик асосида янги шаҳарлар барпо этилиб, ижтимоий инфратузилма тармоқлари ривожланаётгани;

з) кўп миллатли ва кўп конфессияли жамиятимиздаги тинчлик, ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик муҳити — бизнинг бебаҳо бойлигимиз экани, уни асраб-авайлаш ва мустаҳкамлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиз бўлиб қолиши зарурлиги;

и) **“Армия ва халқ — бир тану бир жондир!”** деган шиор асосида Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини ошириш, мард ва жасур аскар ва офицерларимизнинг жисмоний, маънавий-руҳий тайёргарлигини юксалтириш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги ишлар амалга оширилаётгани;

к) Ўзбекистоннинг Марказий Осиё минтақасида яхши қўшничилик, ҳамкорлик ва интеграция жараёнларини кучайтиришдаги ўрни ва нуфузи ортиб, янги босқичга кўтарилаётгани;

л) Янги Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятида очик, демократик ва дунёвий давлат сифатидаги обрў-эътибори ва нуфузи тобора юксалиб бораётгани.

6. Маданият вазири (О.Назарбеков):

а) Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёзувчилар уюммаси билан биргаликда бир ҳафта муддатда Тошкент шаҳрида Мустақиллик байрамига бағишлаб ўтказиладиган асосий байрам тадбирининг дастури ва сценарийсини Концепция асосида ишлаб чиқсин ҳамда уни юксак гоғвий-бадний савияда тайёрлаш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси

Президенти

Тошкент шаҳри,
2025 йил 10 июль

Ш. МИРЗИЁЕВ

Долзарб мавзу



Глобаллашув жараёни шиддат билан кечаётган бугунги замонавий дунёда тинчлик, хавфсизлик масаласи ҳар қачондиган ҳам долзарб бўлиб бормоқда. Бу борада, биринчи галда, маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш, аҳоли тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон шароитида адолатли, хавфсиз ва ижтимоий барқарор жамиятни шакллантириш бевосита маҳаллалардаги ишлар ҳолатига боғлиқ. Зеро, айнан маҳаллада жамоатчилик кайфияти шаклланади, ёш авлод тафаккури ривожланади, миллий ва оилавий қадриятлар мустаҳкамланади. Шунинг учун ҳам маҳаллани қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш тизимининг дастлабки бўғини дейиш мумкин.

Кейинги йилларда юртимизда маҳалла институтининг мақоми оширилиб, ваколати кенгайтирилди. Бу эса маҳалланинг

тадбиркорлик ва бандлик маркази, ижтимоий-иқтисодий масалалар ҳал этиладиган яхлит масканга айланишига замин яратмоқда. Маҳаллада жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликни қамайтиришга қаратилган ислохотлар самараси эса ҳақиқатан қувонарли.

“Маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган дастурлар фаол амалга оширилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ҳуқуқ-тарғиботни таъминлаш жараёнларига жалб этишга алоҳида урғу берилади. Уларнинг иштироки можароларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга, ўзаро ҳурмат, масъулият ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилапти.



этилиши бўлди. Шу мақсадда профилактика инспекторлари фаолият юритадиган тизим яратилди. Бу тизимда улар ишни фақатгина расмий тарзда эмас, балки комплекс ёндашув асосида олиб боради. Яъни маҳалла фуқаролар йиғини раислари, хотин-қизлар, ёшлар тузилмалари, бандлик, соғлиқни сақлаш ва таълим соҳалари вакиллари билан яқиндан ҳамкорликда ишлайди. Бунда энг муҳим вазифалардан бири фақатгина жиноятчиликнинг олдини олиш эмас, ижтимоий тангликка олиб келувчи омиларни ҳам аниқлаш ҳисобланади. Булар оилавий можаролар, ишсизлик, ўсмирларга эътиборсизлик ёки ёшлар бандлиги таъминлангани каби муаммолар бўлиши мумкин.

Мамлакатимизда Президентимиз ташаббуси билан барча ижтимоий хизматлар ягона

таълимга интеграция қилинмоқда. Бу шуни аниқлатадики, муаммога дуч келган фуқаро ўз маҳалласиданоқ зарур ёрдамни олиши мумкин. Бу ҳуқуқий, ижтимоий, психологик, моддий ёки меҳнатга оид кўмақдан иборат.

Бугунги кунда маҳаллалар ёшларни ишли қилиш ва уларни касбга тайёрлаш, оилавий ўзравонлиқнинг олдини олиш бўйича амалий майдонга айланган. Хавфсизликни қатъий чоралар билан эмас, балки ижтимоий ҳамкорлик ва кўмак орқали таъминлаш амалда самарали натижалар бераётир.

Яна бир муҳим жиҳат. Айни йўналишда аҳоли билан ишлаш жараёнини рақамлаштиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда. Ушбу чора-тадбирлар ҳуқуқбузарликлар даражаси, ижтимоий муаммолар, ишсизлик ва носоглом оилалар ҳолатини таҳлил қилиш имконини беради.

Фуқароларнинг муносабатлари рақамли шаклда қайд этилиб, таҳлилий ҳисоботлар шакллантирилади. Бу эса манзилли ва ўз вақтида зарур қарорлар қабул қилишга хизмат қилади. Мазкур тизим нафақат маҳаллий органларнинг масъулиятини кучайтиради, балки расмийчилик ва бюрократияни бар-тараф этади. Бунда ҳар бир ҳаракат қайд этилади, ҳар бир натижа мониторинг қилиб борилади.

Маҳалла даражасида ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш ва рақамлаштириш бўйича катта тажриба Хоразм вилоятида ҳам яхши шаклланган. Хусусан, “Хавфсиз маҳалла” тамойили доирасида маҳаллалар, савдо дўконлари, кўнгилочар масканлар, турар жойларда газ ва автомобиль ёниги қуйиш шохобчалари, хизмат кўрсатиш соҳасининг бошқа объектларида 153 та назорат камераси ўрнатилди. Камераларнинг 122 таси видеокузатув маркази билан интеграциялашган. Бу эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар иш самарадорлигини оширишда куттилган натижаларни бермоқда.

Бухоро вилоятида жамоат тартибининг таъминлашда дронлардан фаол фойдаланиш

амалиёти жорий этилмоқда. Мазкур тажрибадан кўринадикки, учувчисиз қурилмалар жамоат жойларида турли ҳодисаларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишда фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жамоат тартибини сақлашда катта ёрдам беради.

Шунингдек, ушбу технологиялар йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, транспорт тикчилчиларини бар-тараф этиш ва маҳаллалардаги жиноятчилик ҳолатини тезроқ кузатишга яхши самара бермоқда.

Янги тизимнинг афзалликлари вақт ва ресурсларни тежаш, харажатларни қамайтириш ва мутахассисларнинг ўз ҳудудларини тўлиқ назорат қилиш жараёндарида яққол намоён бўляпти.

Маҳаллаларда аҳолининг ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган дастурлар фаол амалга оширилмоқда. Айниқса, хотин-қизлар ва ёшларни ҳуқуқ-тарғиботни таъминлаш жараёндарида жалб этишга алоҳида урғу берилади. Уларнинг иштироки можароларни ўз вақтида аниқлаш ва олдини олишга, ўзаро ҳурмат, масъулият ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришга хизмат қилапти.

Бундай тизимли ишлар натижасида маҳаллаларда жиноятчилик даражаси пайсаяймоқда. Такрорий ҳуқуқбузарлик ҳолатлари қамаймоқда, айниқса, ёшлар орасида бандлик даражаси ахшиланаяпти. Асосийси, фуқароларнинг давлат идораларига ишончи ортиб бораётир. Уларнинг ўзларини ҳимояланган ва адолатли жамият аъзоси сифатида ҳис қилиши кучаймоқда.

Президентимизнинг жорий йил 3 январдаги “2025 йилда республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори маҳаллаларда хавфсиз

б) Бадийи академия, Ёзувчилар уюшмаси, Журналистлар уюшмаси билан биргаликда **“Она диёр — ранглар жилосида”, “Ватан учун яшайлик!”**, **“Энг улут, энг азиз”** каби аънавий кўрик-танловларни юқори даражада ўтказишни таъминласин;

в) Композиторлар ва бастакорлар уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси билан биргаликда юртимиз истиқлолини тараннум этадиган **энг яхши кўшиқ ва мусиқа асарлари** танловларининг якуний босқичини ўтказсин;

г) мақкур танловларнинг голиб ва совриндорларини Мустақиллик байрами арафасида эълон қилиш ва тантанали равишда тақдирлаш чораларини кўрсин.

7. Белгилаб қўйилсинки, ўтказиладиган байрам тадбирлари:

а) Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда — тегишли маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ихтиёрийлик асосидаги ҳомийлик хайриялари ҳисобидан;

б) Тошкент шаҳрида — Республика комиссияси томонидан тасдиқланганидан харажатлар сметасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда молиялаштирилади.

8. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, “Дунё” ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситалари ва Мустақиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича амалга оширилаётган ишларни кенг ёритиб бориш тавсия этилсин.

9. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси Ижтимоий ривожланиш департаменти раҳбари О.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

муҳитни яратиш бўйича ташкилий-профилактик асосларни замон талабларига мослаштириш, жиноятчиликка олиб келувчи омиларни ўз вақтида аниқлаш ва бар-тараф этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг эрта олдини олиш тизимини янада тақомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Давлатимиз раҳбари 8 июль куни маҳаллада жиноятчиликни жилавллаш ва қонун устуворлигини таъминлаш чора-тадбирларига оид тақдирот билан танишди.

— Тақдиротда мамлакатимизда ўтган олти ойда қриминоген вазиятни барқарорлаштириш, жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг барвақт олдини олиш ва маҳаллаларда хавфсиз муҳит яратиш бўйича амалга оширилган ишлар бўйича ҳисобот берилди, — дейди ички ишлар вазири Азиз Топшўлатов. — Унда Президентимизнинг 2025 йил 3 январдаги қарори асосида маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратиш бўйича қилинган ишлар танқидий таҳлил этилиб, аниқ вазифалар белгиланди. Хусусан, республикадаги қриминоген вазият қундалик таҳлил қилиниб, манзилли назорат тадбирлари ўтказилляпти. Ҳар бир жиноятнинг сабаблари ўрганилиб, қайта тақорланмаслиги чоралари кўрилмоқда. Энг муҳими, кўрилган чора-тадбирлар натижасида жорий йилнинг ўтган олти ойида республикаимизнинг 55 фоиз маҳаллаларида бирорта ҳам жиноят содир бўлмади. Лекин бу хотиржамликка беришга асос бўлмайди. Йил якунига кўра, 827 та қизил тоифадаги маҳаллани жиноятдан холи ҳудудга айлантириш бўйича зарур чора-тадбирлар белгиланди.

Бир сўз билан айтганда, маҳалла нафақат ўзини ўзи бошқариш институти, балки ҳуқуқ-тартибот, профилактика ва ижтимоий барқарорликни таъминлайдиган стратегик бирликдир.

Инсон манфаатларига қаратилган эътибор ва гамхўрлик, аввало, маҳаллаларда жамланмоғи зарур. Маҳалла ҳуқуқ-тартибот тизимида шаклланаётган асосий тамойиллар бу — кўмак, хавфсизлик, адолат ва ишончдир.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДИН СКАНЕР ҚИЛИНГ!





4

2025 йил 11 июль, 141-сон

Муносабат

ОЧИҚ ВА ШАФФОФ БОЗОР

Миллий иқтисодиёт қанча барқарор ривожланса, мамлакат тараққиёти, аҳоли турмуш даражаси шунча ошиб бораверади. Аммо ана шу иқтисодиётни ривожлантириш, глобал иқтисодий тебранишлар шароитида оёқда мустаҳкам тура олиш, нарх-наво доимий ўзгариб, кескин ошиб бораётган дунё бозориди ўрин эгаллаш ҳеч бир давлат учун осон кечмаяпти. Ўзбекистон ана шу узилмас занжирнинг муҳим қисмига айланиш учун доимий равишда комплекс чора-тадбирлар кўраётгани боиси шунда.



Хумоюнмирзо БОЗОРОВ,
Инвестициялар, саноат ва савдо
вазирлиги бўлим бошлиғи

Бунда нафақат ўсши кўрсаткичларига эришиш, балки дунё иқтисодий майдонидаги “об-хаво”га мослашиш, мураккаб масалаларга самарали ечимлар билан жавоб қайтариш долзарб бўлмоқда. Натижалар ҳам шунга яраша — фақат рақамларда эмас, балки аҳоли фаровонлиги, турмуш шароити, ҳудудлар ва саноат тармоқлари ривожиди яққол намойён бўляпти.

Жорий йилнинг биринчи ярим йиллиги учун дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, юртимиз ялпи ички маҳсулоти 6,8 фоиз ўсиб, барқарор кўрсаткични қайд этаётгани бунинг мисоли. Барча соҳа ва тармоқлар қатори экспортда ҳам юқори ўсши кўрсаткичларига эришилди. Дастлабки ярим йилликда экспорт ҳажми 16 миллиард 900 миллион долларга етиб, ўтган йилнинг мос давридиган 33 фоиз ўсди. Хусусан, йил бошидан буён 1557 та янги корхона ташқи бозорга жалб этилиб, улар томонидан 650 миллион долларлик экспорт амалга оширилди.

Ўсши барча соҳа ва тармоқларда қайд этилганини кўриш мумкин. Озиқ-овқат, қурилиш материаллари, электротехника ва бошқа қатор соҳаларда кўрсаткичлар, айниқса, юқори. Масалан, товар ва хизматлар



“Анъанавий бозорлардан ташқари Ғарб давлатларига экспорт ортиб борапти. Хусусан, жорий йилнинг дастлабки ярим йиллигида Польшага 47 миллион долларлик экспорт амалга оширилиб, кўрсаткич ўтган йилнинг мос давридиган 117 фоиз ўсди. Германияга 37 миллион долларлик, Грузияга 30 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилинди. Бу рақамлар ҳам аввалгиларидан анча юқори.

экспорти 23 фоиз ошган. Мева-сабзавот маҳсулотлари ўтган йилнинг мос давридиганига нисбатан 248 миллион доллар, озиқ-овқат маҳсулотлари экспорти 157 миллион доллар ўсishi таъминланди. Шу билан бирга, параллел равишда хизматлар экспорти ҳам ўсishi қузиляпти. Хусусан, туризм хизматлари ўсishi ўтган йилдиганига нисбатан 700 миллион доллардан ошди. Бу юртимизга қизикиш билдираётган хорижликлар, ташриф буюрувчи сайёҳлар сони ортаётганидан далолат. Транспорт хизматлари ҳам сезиларли ошиб, 150 фоиз ўсishi қузиляпти.

Тўқимачилик, электротехника, фармацевтика иқтисодий ўсишга жуда катта туртки бераётган тармоқлардан. Машиний қимё соҳалари ҳам ривожланиб, бошқа саноат тармоқлари билан рақобатлаша оладиган даражага яқинлашиб келяпти. Айни шу тармоқларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар экспорти улуши анча юқори бўлиб, асосий драйверлардан ҳисобланади.

Ташқи савдо, айниқса, экспортни ривожлантириш мамлакат учун бир қатор янги имкониятлар очиб беради. Аввало, миллий иқтисодиётнинг самарадорлигини оширади. Экспортнинг таркиби кенгайиши ишлаб чиқарувчилар учун янги бозорларга чиқишни таъминлайди. Бу борада асосий эътибор қаратилаётган “ҳар бир ҳудуд — драйвер” тамойили асосидаги ишлар ижобий натижасини бермоқда.

Экспорт бундан кейин ҳам иқтисодиётнинг асосий йўналиши бўлиб қолади. Мамлакатимизда бу борадаги ўсishi ҳажмининг 2 баробар ошириб, 2030 йилга бориб, 45 миллиард долларга етказиш, экспортчи корхоналар сонини 6,5 мингтадан 15 минггача кўпайтириш, экспорт таркибиди тайёр ва ярим тайёр маҳсулотлар улушини 3,3 баробар ошириш мақсад қилинган. Бу мақсадлар бевосита юқори қиймат ва янги иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш, аҳоли фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилади.



Ислоҳот одимлари

ЙЎЛ ҚУРГАН ЭЛДА АЗИЗ

ЁХУД ҚАШҚАДАРЁНИНГ РАВОН ЙЎЛЛАРИ ОДАМЛАРНИ ҲАЁТДАН РОЗИ БЎЛИБ ЯШАШГА ЧОРЛАМОҚДА

9 июль кунини давлатимиз раҳбари йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, инфратузилмасини яхшилаш ва тибрандликларни камайтириш чора-тадбирлари муҳокамаси юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказди. Унда иқтисодий-ижтимоий ҳаётимизда муҳим ўрин тутган йўллар масаласи муҳокама этилиб, қатор ташаббуслар илгари сурилди.

Очиқ гап, бирор манзилга бормоқчи бўлган киши, аввало, йўл, унинг қай аҳволда экани ҳақида ўйлайди. Агар йўл равон бўлса, яхши. Масофа узоқ бўлса-да, қандай борганингни сезмай ҳам қоласан. Аксинча бўлса, йўл унмайди. Бу асаббазарлик, чарчоққа сабаб бўлади. Бир кунлик йўл азоби ҳафта давомида ланж қилади. Шунинг учун иқтисодий, ижтимоий соҳалар ривожига бевосита йўл таъмири, унинг қандай ҳолатда эканига боғлиқ. Йиғилишда шу каби салбий ҳолатларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар белгилан берилди.

Шунингдек, йиғилишда яна бир муҳим факт айтилди. Яъни сўнгги йилларда йўл қурилиши ва таъмирлашга 61 триллион сўм ажратилгани, бу — 2017 йилгача берилган маблағлардан 3,5 баробар кўп экани таъкидланди. Ҳа, кейинги йилларда йўлсозлик, одамларнинг узоғини яқин қилишга қаратилган реал ислохотлар амалга оширилди. Ушбу мақолада йўлсозликдаги янгиланишларни Қашқадарё мисолида очиб беришга уриндик.

Вақт ҳам, нақд ҳам тежаланиб бўлди

Илгари Самарқанд вилоятидан Шахрисабз шаҳрига қараб йўлга чиққан меҳмон Қашқадарё вилояти чегарасига қирғач, бир оз юриб чапга бурилди. Шундан тўғри юрилса, қўхна Кешга бориш мумкин эди. Аммо кейинги йилларда бу жойдан қўчлик юрмай қўйди. Йўловчилар шошилганида ҳам айланма йўлдан боради, шунчаки томоша учун келаётганлар эса бу манзилни четлаб ўтарди. Бунга етарлича асос бор эди, албатта.

Қўқдала туманининг Шўрқудуқ қишлоғи ҳудудидан бошланиб, Чироқчи тумани марказига боғланадиган ушбу йўлга илк бор асфальт ёқтизишганига эллик йилга яқинлашиб қолган. Кексаларнинг таъкидлашича, аввал ушбу йўл анча яхши, серкатнов бўлган. Вақт ўтиши билан таъмирталаб бўлиб бораверган. Аммо ҳеч ким йўл таъмирига эътибор бермаган, у шудор қилинган ердан ҳам ёмон аҳволга келиб қолган. Шу боис, ҳайдовчилар машинасига шикаст етказмаслик учун бу ердан ўтмасликни афзал биларди. Юрганлар ўн беш дақиқали масофани бир соатдан кўпроқ вақтда босиб ўтишга мажбур эди.

— Қишлоғимиз ҳудудидан ўтган катта йўл асфальт қилинганга ярим аср бўлиб қолди, — дейди Араббанди қишлоғида яшовчи меҳнат фахрийси Расул Нормуродов. — Лекин бугун йўлнинг ўттиз фоизи ҳам қолмади. Йўл деб айтганда ҳам эмас. Айниқса, шу атрофда яшовчи аҳоли учун туман марказига қатнов муаммага айланди. Бу муаммо фақат бизга эмас, бошқаларга ҳам салбий таъсир қилмай қолмади. Негаки, бу ердан Чироқчи, Китоб, Шахрисабз, Яқшабоғ туманлари аҳолиси Тошкент ва Самарқанд шаҳрига қатнайди. Ҳозир енгил автомобиллар Тактақорача довоидан ўтипти. Бу йўлдан кўпроқ юк машиналари, автобуслар ҳаракатланади. Ўзининг, саёҳатга келувчилар асосан, автобусларда юради. Айниқса, Шахрисабзга келадиган меҳмонлар кўп. Қатнов учун шароит яхши бўлса, келувчилар ҳам кўп бўлади. Аммо йўл талаб даражасида эмасди.

Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 5 декабрдаги “Ғелон” туристик-рекреацион зонасини ва халқаро умуммавсумий курортни ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига кўра, Чироқчи — Шўрқудуқ автомобил йўлининг 30 километр қисmini учинчи тоифадан йўл даражасига етказиш ва реконструкция қилиш белгиланган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида яқинда ушбу ҳудудда иш бошланди. Лойиҳа қиймати 300 миллиард сўмдан ортқ, йўлнинг умумий кенглиги 15 метр бўлади, қатнов қисми эни эса 9 метрни ташкил этади. Шу пайтгача бу йўлнинг умумий кенглиги 10 метрни ташкил этарди. Айни пайтда бу ерда 30 га яқин йўлсоз, 20 га яқин замонавий техника ёрдамида йўл қурилиши ишлари бошлаб юборилган.

— Анча йиллик орзумиз ушаладиган бўлди, — дейди Араббанди маҳалласи раиси Толамас Қўлмуродов. — Шу пайтгача йўлимизга эътибор қаратилар, деган умидда яшадик. Бу йўл яқин йилларда таъмирланади деб ўйламагандик. Мана, қисқа фурсатда бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Бундан аҳолимиз хурсанд. Мазкур йўллар дилларини дилларга боғлайди. Энди қўхна Кешни томоша қилиш истигади келаётган хорижлик сайёҳ ҳам бемалол, хавотирсиз ўтиши мумкин. Илгари сайёҳлар қатнови узлуксиз бўлгани боис, маҳалламиз хотин-қизлари ўз уйлариди хўнамандлик кўргазмасини ташкил этган, катта ўтов қурилиб, уни

миллий услубда безаб қўйганди. Қизқувчи хорижликлар бир тўхтаб ўтарди. Шу жараёнда гилам тўқиби, уни сайёҳларга сотишарди. Бу даромад манбан эди. Кейинчалик бу ердан қатновчилар анча камайдди. Шунинг таъсирида хўнамандларимизнинг иши бир оз тўхтаб қолганди. Энди янги йўл қурилиб, қатнов кўпайса, хўнамандлар яна харидорини топади.

Тоғликлар муаммоси ортда қолди

Бундан беш-олти йил олдин Шахрисабз туманининг тоғли Қўл, Ғелон, Сарчашма каби қишлоқларига бормоқчи бўлсангиз, ҳали йўлга чиқмай фикрингиздан қайтишингиз аниқ эди. Сабаби, тоғ йўли машаққатли бўлиб, у томонларга “Нива” ёки “Газель”дан бошқа машинада бориб бўлмасди. Бундан ташқари, бир кунда бир марта қатнайдиған маҳаллий улдовдан қолиб кетадиган бўлсангиз, эртанги кунгача қутишга тўғри келарди. Шунчаки тоғ йўли бўлгани учун бошқа енгил машиналар юрмаслигида эмас, аксинча, йўлнинг тошлоқ экани панд беради.

— Қишлоғимиз бандан тоғлар ўртасида жойлашган. Шу боис, ёғингарчилик кўп бўлади, — дейди гелонлик фахрий ўқитувчи Рўзбой Қурбонов. — Ёшлигимизда қишлоғимиз фақат ёлғизоёқ йўл орқали бошқа қишлоқлар билан боғланганди. Туман марказига бориш учун от ёки эшакда йўлга тушишга тўғри келарди. Кейинчалик йўл бир оз кенгайтирилди. Натижада юк машиналари ҳаракатланадиган

қолади. Лекин шу ердан ўтмасликдан бошқа имкон йўқ. Ахир қишлоқ бошқа ҳудудлар билан фақат шу кўприк орқали боғланган. Қамаш туманининг Қовчин қишлоғи аҳолиси хавотирда яшаётганининг боиси шунда.

— Янги кўприк қуриш бўйича кўп мурожаат қилдик, — дейди қишлоқ фахрийси Бердимурод Холмўминов. — Шунча вақт ўтса-да, эътибор қаратишмади. Ўзимиз маблағ

қолади. Лекин шу ердан ўтмасликдан бошқа имкон йўқ. Ахир қишлоқ бошқа ҳудудлар билан фақат шу кўприк орқали боғланган. Қамаш туманининг Қовчин қишлоғи аҳолиси хавотирда яшаётганининг боиси шунда.

— Янги кўприк қуриш бўйича кўп мурожаат қилдик, — дейди қишлоқ фахрийси Бердимурод Холмўминов. — Шунча вақт ўтса-да, эътибор қаратишмади. Ўзимиз маблағ қолди. Лекин шу ердан ўтмасликдан бошқа имкон йўқ. Ахир қишлоқ бошқа ҳудудлар билан фақат шу кўприк орқали боғланган. Қамаш туманининг Қовчин қишлоғи аҳолиси хавотирда яшаётганининг боиси шунда.

— Янги кўприк қуриш бўйича кўп мурожаат қилдик, — дейди қишлоқ фахрийси Бердимурод Холмўминов. — Шунча вақт ўтса-да, эътибор қаратишмади. Ўзимиз маблағ қолди. Лекин шу ердан ўтмасликдан бошқа имкон йўқ. Ахир қишлоқ бошқа ҳудудлар билан фақат шу кўприк орқали боғланган. Қамаш туманининг Қовчин қишлоғи аҳолиси хавотирда яшаётганининг боиси шунда.

Қайта қурилган кўприкнинг узунлиги 32 метр бўлиб, эни тўққиз метрни ташкил этади. Бунинг учун давлат бюджетидан жами 2 миллиард сўмга яқин маблағ сарфланди. Кейинги йилларда шу каби ижобий ўзгаришлар вилоятнинг кўпгина ҳудудидида амалга оширилди. Қашқадарё вилояти Автомобиль йўллари бўлими маъмуриятининг маълумотларига кўра, 2009-2016 йилларда жами 28 та кўприк барпо этилган. Мазкур кўрсаткич сўнгги олти-етти йилда тўрт баробар ошган. Жумладан, 2017-2024 йилларда жами 114 та кўприк қурилган.

Аҳолини бирлаштирган ташаббус

— Бу кун қизик воқеа бўлди, — дейди Чироқчи туманининг Тутли қишлоғида яшайдиган отахон Абдурахмон Мусаев. — Қишлоқдошимиз (исмини айтмай қўяйла) йўқлаб келибди. У қишлоқда ҳеч кимга қўшилмаслиги, маҳалла ишларига аралашмаслиги билан танилган. Шу боис, унинг келганини кўриб ҳайратландим. “Оқсоқол, нариги қишлоқнинг кўчаси асфальт бўлибди. Суриштириб билдим, овоз йиғиб “Опен бюджет”да ютишибди. Аҳилиқда гап кўп экан-да!.. Очиқ бюджетдан биз ҳам ютайлик”, деди. Шу-шу қишлоғимиз одамлари бирилашиб ҳаракатга тушдик. Жорий йилнинг биринчи мавсумида қишлоғимизнинг 3 километр йўлини таъмирлаш лойиҳасини киритдик. Барча бир бўлиб, “Ташаббуси бюджет”га овоз бердик. Ёшим тўксонга бораётган бўлса ҳам қараб турмадим. Мени кўриб, ёшларнинг шижоати янада ошди. Шукр, голиб бўлдик. Қуни кеча қўчамизга йўл қурувчилар келиб, асфальт қилишни бошлади. Ёлнинг кучи бирлиқда эканига яна бир марта ишондик. Йўлимиз биринчи марта асфальт бўляпти.

Ақбар РАҲМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ТАЪЛИМДАГИ ДУНЁВИЙЛИК —

Нуқтаи назар



Гулчехра РИХСИЕВА,
Тошкент давлат шарқшунослик
университети ректори, профессор

Ҳа, виждон эркинлиги жуда муҳим ва қизиқ масала. Келинг, куйида бу эркинликнинг нима эканлиги ва унга таъсир қилувчи муҳим омиллар ҳақида фикр юритиб кўрайлик.

“Сиз дунёни ўзгартира олмайсиз, лекин виждонингизни ўзгартириш орқали ўзингизни ўзгартирасиз. Бу эса дунёни ўзгартиришнинг бошланғичидир”, деган эди Ҳиндистон миллий озодлик ҳаракати раҳнамоларидан бири, давлат ва сиёсат арбоби Маҳатма Ганди.

Виждон эркинлиги фақатгина эътиқод танлаш ёки диний маросимларни бажариш ҳуқуқи билан чекланмайди. У шахснинг ички дунёси, ахлоқий тамойиллари, ҳаётий қарашлари ва фикр эркинлигини ўз ичига олади. Айнан шу сабабли, виждон эркинлиги ёшларда мустақкам маънавий пойдевор яратишда ўта муҳим восита ҳисобланади.

Бугун ёшлар турли ахборот оқими остида улғаймоқда. Ижтимоий тармоқлар, хорижий маданият таъсири ва диний мафқуралар билан юзма-юз турибди. Бундай шароитда виждон эркинлигига асосланган тарбия уларни танқидий фикрловчи, ахлоқан соғлом, ижтимоий жиҳатдан фаоллиги етук инсонлар этиб вояга етказди.

Виждон эркинлиги жамиятда турли фикрлар, эътиқодлар ва маданиятларнинг бирга яшашига имкон яратди. Хусусан, фикр эркинлиги ва толерантликни шакллантиради. Бу эса ёшлар орасида бағрикенглик, сабр-тоқат, ҳурмат каби фазилатларни кучайтиради, шахсий масъулият ва ахлоқий иммунитетни оширади.

Инсон ўз эътиқодига, виждонига таянган ҳолда қарор қабул қилганида, ахлоқий барқарорлиги мустақкам бўлади. Бу ёшларни гаразли мафқуралардан, экстремизм ва радикализм хавфидан ҳимоя қилади.

Яна бир муҳим жиҳат, виждон эркинлиги ижодкорлик ва танқидий фикрлашга замин яратди. Эркин фикрлаш муҳитида улғайган ёшлар мустақил таҳлил қилиш, муаммоларга янгича ёндашиш қобилиятига эга бўлади. Бу эса замонавий таълим ва инновациялар учун муҳим пойдевордир. Албатта, буларнинг барчаси тарбия ва таълим жараёнлари билан чамбарчас боғлиқ.

Биламизки, Ўзбекистон — бошқаруви республика шаклига эга бўлган суверен,

ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ ТАРБИЯСИДА МУҲИМ ОМИЛ

Глобаллашув даврида инсон қадр, эркин фикрлаш ҳуқуқи ва виждон эркинлиги энг муҳим ижтимоий қадриятлардан бирига айланмоқда. Халқаро ҳамжамият, замонавий демократик жамиятлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжат — БМТ Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида бу эркинлик алоҳида эътироф этилган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддасида ҳам “Ҳар ким виждон эркинлигига эга” дея белгилаб қўйилган.

демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат. Бу Асосий қонунимизнинг дастлабки моддаларида ёзиб қўйилган. Демак, таълим ҳам мамлакатимизда айнан шунга мос тарзда ташкил этилган. Шу ўринда таълимнинг дунёвийлиги хусусида тўхталиш жоиз.

Дунёвийлик тушунчаси кўп ҳолларда нотўғри талқин қилинади. Баъзан эса виждон эркинлигига қарама-қарши қўйилади. Аслида, дунёвийлик — динни инкор этиш эмас, балки барча эътиқодларга нисбатан бетараф, адолатли ва нейтрал ёндашуви аниқлаштирилади. Дунёвий таълим тизими ёш авлодга диний эмас, балки илмий асосланган билимлар беришга йўналиштирилган бўлиб, шу билан бирга, уларнинг виждон эркинлигини тўлиқ таъминлашга қаратилган. Бу ёндашув ёшларни бир эътиқодга мажбурламадан, уларнинг эркин фикрлаши ва мустақил қарор қабул қилиш қобилиятини шакллантиради.

Келинг, шу ўринда айрим хорижий мамлакатлардаги тажрибани кўриб чиқайлик. Масалан, Францияда 1905 йилдан бошлаб қабул қилинган дунёвийлик тўғрисидаги қонун асосида барча диний ташкилотлар ва давлат бир-биридан ажратилган. Мактаблар эътиқодни эмас, балки илмий фикрлашни тарғиб қилади. Шунга қарамай, бу мамлакатда

инсоний қадриятлар ва фан асосидаги таълимни биринчи ўринга қўяди. Шу билан бирга, давлат томонидан диний эркинликлар тўлиқ кафолатланган.

Скандинавия давлатларида виждон эркинлиги нафақат ҳуқуқий, балки тарбиявий мезон сифатида мактабгача таълимдан бошлаб ёш авлодга сингдирилади. Бу мамлакатларда болалар ёшлигиданоқ бошқа инсонларнинг диний ва маданий қарашларига ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўргатилади. Бунда таълим тизими диний нейтраллик тамойилига асосланади, бироқ ҳар бир ўқувчининг эътиқодига ҳурмат билан қаралади.

АҚШда ҳам эътиқод ва виждон эркинлиги қатъий ҳимоя қилинади. Мактабларда турли эътиқодга мансуб ўқувчиларга тенг шароит яратилади. Бунга, ўз навбатида, миллий бирлик ва ижтимоий барқарорликни мустақкамлашда асосий воситалардан бири сифатида қаралади.

Малайзияда диний хилма-хилликни инобатга олиб, давлат сиёсатида барча диний қарашларга нисбатан адолатли ёндашув йўлга қўйилган. Бу эса ёшларда ўз маданиятига садоқат билан бирга, бошқа дин вакилларига нисбатан толерантликни оширишга хизмат қилмоқда.

Дунёвий давлатни ривожлантириш йўлида таълим йўналишидаги



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

ҳар бир шахснинг виждон эркинлиги қатъий ҳимояланган.

Туркияда ҳам XX асрдан бошлаб дунёвий таълим тизими жорий этилган бўлиб, у диний билимларни эмас, балки умумий

дунёвийликни таъминлаш жуда муҳим. Боиси, айнан таълим тизимининг ҳар бир босқичида ёшларга виждон эркинлиги ва дунёвийлик тушунчаларининг моҳиятини тўғри аниглаш ва ундан тўғри

фойдаланиш хусусида билимлар бериб борилиши зарур.

Таълимдаги дунёвийлик таълим жараёнида ўқувчиларда диний ақида ва қарашлардан холи тарзда илмий билимларни, мантиқий фикрлаш қўникмаларини, миллий ҳамда умуминсоний қадриятларни шакллантириш, қарашлар хилма-хиллигини ҳурмат қилиш, умумжамят манфаатларига ҳисса қўиши ғояларига таянишдан иборатдир.

Маълумки, мамлакатимиздан 130 дан ортиқ миллат вакиллари яшайди ва улар турли динларга эътиқод қилади. Мактабу университетларда уларнинг ҳаммаси ёнма-ён, бир тизимда таълим олади. Демак, юқорида қайд этганимиз — виждон эркинлиги тушунчасининг тўғри аниқлаш жамият учун, умуман, ҳар биримиз учун ниҳоятда муҳим.

Тасаввур қилинг, таълимда диний бетарафликни сақлаш ва диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўймайдиган муҳитни таъминлаб бермасак нима бўлади? Албатта, бу виждон эркинлиги таъминланмаслигига олиб келади. Аслида, биз ёшлар қалбига инсонпарварлик ва адолат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик, миллий ва умуминсоний ғояларга ҳурмат каби қадриятларни сингдириб боришимиз, ахлоқий масалаларга мақбул ечим топиш қўникмалари шакллантиришимиз керак. Акс ҳолда, виждон эркинлиги нотўғри талқин қилиниб, диний радикализм ва экстремистик фаолиятни оқлашга уришлар пайдо бўлади. Бу эса ижтимоий хавфли ҳолатларнинг юзага чиқишига олиб келади.

Агар биз виждон эркинлигини ёшларга тўғри аниқласак, турли диний эътиқод ва таълимотлар тарихи, ривожланиш босқичлари ва замонавий тенденциялари тўғрисида ҳолисона билим беришни, шунингдек, турли динлар, маданиятлар ва дунёқарашларга нисбатан ҳурмат, бағрикенглик ва тушуниш муҳитини таъминласак, таълимда дунёвийликнинг ҳамма ижобий жиҳатларини кўрсата оламиз.

Виждон эркинлиги ва инсоннинг ички ахлоқий ҳолати, жамиятдаги бағрикенглик ва ҳурмат ислом динида ҳам чуқур ўрганилган ва қадрланган. Таълимдаги дунёвийлик ҳам ёшларнинг янгилликка интилиши, фанларни чуқур ўзлаштириши, ўз ҳаётини фаровонлаштириши, мамлакатни ривожлантириш йўлида билимларини қархлаши ва фойдали тадқиқотлар натижаларини ҳаётга жорий қилиши билан кўринади.

Демак, виждон эркинлиги, бу — инсониятнинг энг муқаддас ҳуқуқларидан бири. У нафақат ҳуқуқий, балки тарбиявий, маънавий ва ахлоқий омил сифатида жамият ривожига беқийс ўрин тутди. Айниқса, ёшлар тарбиясида мазкур эркинлик соғлом фикр, маънавий бой ва бағрикенг шахсларни шакллантиришга хизмат қилади. Уни асраш, тўғри йўналтириш ва ҳимоя қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.



Хориждаги ватандош

Бугун илм-фан тобора ривожланмоқда. Бу йўлда бир лаҳза ҳаракатдан тўхташ инсонни мақсадларидан анча узоқлаштириб қўйиши ҳеч гап эмас. Жамият равнақини кўзлаб, юртдан йироқда умрини илмга бахшида қилиб юрган ватандошларимиз анча. Бундай фидойилар қанчалик олисда бўлмасин, юрғи ватан сари интилаверади. Ватандошимиз, АҚШда илмий фаолият юритаётган таниқли олима Нилуфар Қаҳҳорова шундай инсонлардан.



ИЛМ ИЗЛАБ УММОН ОРТИГА

Қаҳрамонимиз мактаб ва лицейда мустақкам зехни, тиришқоқлиги билан ажралиб турар, бошлаган ишини охирига етказмай қўймасди. Биринчи уринишдаёқ Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети талабаси бўлган Нилуфар илмга чуқур шўнгиди. Университетни муваффақиятли тамомлагач, қалбини хорижда ўқиш, чет эл таърибасини ватанга олиб келиш истаги эгаллади. Шу мақсад ортидан илдан юриб, АҚШнинг энг нуфузли илм масканларидан бири — Гарвард университетида таҳсил олиш имкониятини қўлга кiritди.

У Гарварддаги таҳсилни шунчаки ўқиш сифатида қабул қилмади. Аксинча, бу одим унинг ҳаётий мақсади ва миссиясининг бошланиши бўлди. Нилуфар Қаҳҳорова АҚШда тиббиёт ва биотехнология соҳаларида тадқиқот олиб борди, замонавий тиббий ёндашувларни ўрганиб, амалиётда синовдан ўтказди. Ҳозир у тиббиёт соҳасида фалсафа докторлиги (PhD) даражасини олиш устида изланыпти. Асосий йўналиши — онкологик касалликларни бартараф этиш. Бу соҳада у халқаро мутахассислар билан ҳамкорликда клиник тадқиқотлар, биомаркерлар таҳлили ва профилактик ютуқлар устида ишламоқда.

Онкологик касалликлар Ўзбекистонда нисбатан кам, аммо ўлим сони кўп, бунга сабаб тиббий кўрикка бефарқ бўлиш, — дейди у.

Нилуфар Қаҳҳорова фақат лаборатория ва аудитория билан чекланиб қолмай, бир пайтнинг ўзида АҚШда истиқомат қилаётган ўзбекистонликлар орасида миллий онг, ўзлик ва маънавиятини сақлаб қолш мақсадида “Турон” ассоциациясини ташкил этди. “Заковат” ўйинларини ўтказиб, ёш авлоднинг зехнини мустақкамлаш, илмга иштиёқини ошириш мақсадида самарали ишламоқда. Китебхонлик кечалари, маънавий-маърифий учрашувлар уюштириб келаётди.

Ўзга юртда юрганда одам ўз ватани, тили, маданиятига муҳаббатни янада чуқур ҳис қилади. АҚШдаги ҳамюртларимизни

бирлаштириш, уларнинг фарзандларига ўзбекча фикрлаш, китоб ўқиш каби қўникмаларни сингдириш — жамиятимизнинг асосий мақсади, — дейди Нилуфар Қаҳҳорова. — Қолаверса, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ташкил этилган “Ватандошлар” жамоат фонди биз каби хорижда яшаб, ватан соғинчи билан юрганлар учун мустақкам кўприк бўлапти. Энди ватанимиз билан осонликча мулоқотга киришадиган, лойиҳаларимиз билан бемалол ўртоқлашадиган бўлди.

Нилуфар Қаҳҳорова АҚШда Президентимиз билан учрашувни хотирлар экан, тўлқинланиб бундай деди:

— Давлатимиз раҳбари биз билан самимий мулоқот қилди. Ўшанда мен етти лойиҳа ҳақида гапирган, таклифлар билдирган эдим. Бугун ўша лойиҳаларнинг кўпи амалга оширилаётганини кўриб, ўзим олисда бўлсам-да, юрт эътиборидан четда эмаслигимни билдим. Бу биз каби илм йўлидаги инсонлар учун ғайрат манбаи бўлиб хизмат қилади. Айни пайтда юртимиз шифокорлари ҳам Гарвард университетидаги бориб, малака оширмоқда. Бундай ҳолат бугунга қадар бўлмаган. Ҳозир онкология соҳасида Ўзбекистон билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳа устида ишляяпти. Шунингдек, тиббий ахборотни оммалаштириш, касалликларни эрта аниқлашга онд тадбирлар, ёшлар учун онлайн семинарлар ва маҳорат дарслари ўтиш ҳам режамизда бор.

Нилуфарнинг замонавий илм-фан, миллий маънавият ва жамоатчилик фаолиятини уйғун олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш ўринли. Унинг фаолияти ёш авлодга намуна, ҳар бир ватандош учун ифтихор манбаидир. Хорижда бўлса ҳам қалбини ватанга туташтириб турган куч элга садоқат, миллатга хизмат қилиш орзусидир.

Абдурауф ЗОКИРОВ,
“Ватандошлар” жамоат фонди
бўлим бошлиғи

Мулоҳаза

30 июнь — Ёшлар куни муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан учрашди. Давлатимиз раҳбарининг самимий, меҳр тўла табриғи — ҳар бир йигит-қизнинг қалбига илҳом бағишлади. Бу оддий бир табрик эмас, балки Ўзбекистон етаксининг мамлакат ёшларига қаратилган ишончи, масъулияти ва Ватанга муҳаббат ҳақидаги олий даъвати бўлди.

Президент ўз сўзида ёшларга қараб: “Янги тарихни сизлар ёзасиз. Янги Ўзбекистонни сизлар барпо этасиз. Сизлар бизнинг фахримизсиз, орзу-умидимизсиз”, дея алоҳида таъкидлади. Бу гаплар ёшлар учун фақат мактов эмас, бу — юксак ишонч. Уни оқлаш учун эса фақат билим олиш kifоя қилмайди. Ватанин севish, юрт учун хизмат қилиш, уни ҳимоя қилиш, ўз устида ишлаш, халққа фойда келтириш — ушбу эзгу қадриятлар энг олий мақсад бўлиши керак.

Ҳар бир ёш йигит-қиз — юртимизнинг келажиги. Бугунги ёшлар нафақат замонавий технологияларни ўзлаштирмоқда, балки санъат, спорт, илм-фан соҳаларида ҳам улкан ютуқларга эришмоқда. Давлати-



Олимжон ЎСАРОВ,
Мудофаа вазирининг
ватанпарварлик тарғиботи,
маънавий-маърифий ишлар
ҳамда ёшлар масалалари бўйича
маслаҳатчиси

миз раҳбари таъкидлаганидек, энг асосий жиҳат бу — ватанпарварлик. Чунки Ватанга муҳаббат — ҳар бир ёш учун энг кучли таянч. Унга эга бўлган йигит-қизни, Ватан ҳимоячисини ҳеч қандай тўсиқ йўлдан қайтара олмайд. Шу маънода, Президентимизнинг табриғи Ёшлар куни муносабати билангина йўлангани йўқ, Бу нутқ ҳар бир ёшнинг қалбига “Мен шу азиз Ватан

учун нима қилишим керак?” деган саволга жавоб бўлди.

Кейинги йилларда ёшларимиз учун яратилаётган имкониятлар — гайратта, ижодга, Ватанга хизматга чорлов. Ёшларимизга таълим, касб, технология, иш ва стартаплар соҳасида кенг имкониятлар бериляпти. Буларнинг баридан бир умид бор. Бу ҳам бўлса, ҳар бир ёшнинг ўз орзуларини амалга ошириши, ўзига, oilасига, халқига фойдаси тегишидир. Шундай экан, мавжуд имкониятларга имтиёз, қўлайликлар деб эмас, балки юксак масъулият, улуг мақсад йўлидаги эзгу интилиш деб қараш ярашади. Чунки яратилган шундай шароитларда улғаяётган ёшлардан Ватан ҳам, халқ ҳам олам-олам умид қилишга ҳақли.

Бугунги ёшлар учун фақат билимли бўлиш етарли эмас. Улар фидойи бўлиши, шу азиз Ватан учун жонфидо хизмат қилишга тайёр туриши керак. Аслида, мана шу ҳақиқий ватанпарварларнинг аъмоли бўлади.

Мамлакатимизда “Ғалаба боғи”нинг маънавий-ахлоқий таъсири кенгайиб бормоқда. “Юз марта эшитгандан бир марта кўрган афзал”, дейди доно халқимиз. Дарҳақиқат, музей экспонатлари, боғ ҳудудида мунтазам анграб турган даъваткор шеърларни юракка тўғридан тўғри сингдириш, ватанпарварлик маърифатининг олий намунаси бўлиб хизмат қилмоқда.



Президентимизнинг нутқида “Ғалаба боғи”да очилган “Миллат фидойилари” монументи ҳам алоҳида тилга олинди. Мажмуада Ватан учун жонини фидо қилган 196 нафар марднинг исмлари абадиётга муҳрланган. Бу жойга борган ҳар бир ёш ҳис қилади: Ватан учун жасорат керак, жасорат учун унинг қадар муҳаббат, эътиқод керак. Мана шундай улугвор матонат майдониди қаҳрамонлар хотирига чексиз

ҳурмат, фахр, ифтихор қалбларда жўш уради. “Ғалаба боғи”даги руҳият, жанговар маънавий муҳитдан бу жойда бўлган ҳар бир ёш йигит-қиз “Ватанга муҳаббат вакцинаси”ни олиб чиқади. Яъни кўксини кериб, она юрт ҳимоясига ҳар дақиқада тайёр Ватан посбонларига айланади, десак муболага бўлмас.

Янги тарихни ёшлар яратади, ёзди. Ислохотлар самарадорлиги — ёшларнинг

қўлида. Бугун дунё жуда тез, шитоб билан ўзгарипти. Иқтисодиёт, илм, технология — ҳар бир соҳада рақобат кучайган. Президентимиз таъкидлаганидек, биздаги тарихий имконият бу — бизнинг олтин ёшларимиз. Янги тараққиёт, янги юксалиш, янги тарих, янги Ўзбекистон — ёшларимизнинг интеллектуал ва маънавий қудратига боғлиқ.

Шунинг учун ёшлар, бирдам ва бардам бўлиб, бор билим, гайрат, меҳнат ва фидойиликларини юрт тараққиётига сафарбар қилади. Қисқа қилиб айтганда, ёшларимиз фақат орзу билан чекланиб қолмасин — ҳаракат қилсин. Ва албатта, шундай бўлса, бунга ишончимиз ҳам комил. Чунки Президентимизнинг ёшларга самимий табриғи йигит-қизларимиздаги миллий ўзликни, шижоатни уйғотди, жўш урдирди. Бугунги тинчлик, яратилаётган имкониятлар, берилган ишонч — биздан фақат битта нарсани талаб қилади: Ватанин севish, фидокор бўлиш, унга фойда, равнақ келтириш.

2025 йил 30 июнь куни Ўзбекистонда ёшлар сиёсати тарихига олтин ҳарфлар билан ёзилган кун бўлиб қолади. Бу бежиз эмас. Буни Президентимизнинг ёшларимиз томонидан қувонч билан тақдор ва тақдор айтилаётган мана бу оташин даъвати яққол кўрсатиб турибди: “Биринчи ва Иккинчи Ренессанснинг буюк аллома ва мутафаккирларимиз яратган бўлса, бугун тарих навбатини сизларга бермоқда. Ишончим комил, сизлар барча соҳаларда мамлакатимиз байроғини баланд кўтарармиз қодирсиз.

Сизлар — Янги Ўзбекистон бунёдкорлари сифатида янги тарих яратадиган олтин авлодсиз!”.

